

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

64 Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2080*

(2010 йил 5 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 14 январдаги 02/1-1088-сон топшириғини бажариш мақсадида **буюраман:**

1. Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 5 февраль,
10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг 2010 йил 5 февралдаги
10-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик
ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига
уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар
ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик
компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида
бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича
харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158–II-сон «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ:

фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақа тўлаш бўйича харажатлар 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан;

бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлаш бўйича харажатлар тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида берилади-

ган бир йўла нафақа тўлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг худудий бўлимлари (бундан кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) орқали, бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлаш бўйича харажатлар эса, ушбу бюджет ташкилотлари орқали амалга оширилади.

2. 2009 йилнинг 31 декабрига қадар (шу куни ҳам) қонунчиликка мувофиқ ҳисобланган, аммо тўланмаган бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақа ўрнатилган тартибга мувофиқ Жамғарма маблағлари ҳисобидан тўланиши шарт.

3. Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тайинлаш ва тўлаш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

4. Фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлашга ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимлари мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича харажатлар сметасини тузади.

5. Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун бюджет маблағлари 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетиде Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар таснифининг тегишли бўлим, боб, параграф ва харажат моддалари бўйича кўзда тутилади.

6. Республика бюджетидан Жамғарманинг ғазначилик ҳисобварағига фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлашга маблағларни ўтказиб бериш Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармаси билан келишилган тайинлаш сертификати асосида амалга оширилади.

II. Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани молиялаштириш тартиби

7. Бюджет ташкилотлари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар тегишли молия органларига мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлашга бюджетдан талаб қилинадиган маблағларни аниқлашга буюртманомани (бундан кейинги ўринларда буюртманомана) тақдим қиладилар.

8. Буюртманомана бюджет ташкилотлари томонидан:

туман (шаҳар) бюджетида турувчилар — тегишли туман (шаҳар) молия бўлимларига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджети ва Тошкент шаҳар бюджетида турувчилар — тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида турувчилар — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бошқармаларига тақдим қилинади.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида турувчи бюджет ташкилотлари буюртманомаларни бюджет маблағларини бош тақсимловчи орқали тақдим қиладилар.

9. Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни тўлашга харажатлар:

биринчи навбатда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар таснифининг тегишли моддалари бўйича иш ҳақиға кўзда тутилган, бўшаб қолган бюджет маблағлари (бюджет ташкилотлари ходимларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиши муносабати билан) ҳисобидан амалға оширилади. Бунда, истисно тариқасида, тегишли молия органлари тегишли Ғазначилик бўлинмалари билан келишган ҳолда керакли ҳисоб-китоблар асосида мустақил равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига иш ҳақи харажатлари бўйича маблағларни камайтириш ва тегишлича ушбу бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларға ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа харажатлари учун маблағларни кўпайтириш йўли билан аниқлик киритишни амалға ошириш ҳуқуқиға эгадирлар;

иш ҳақи харажатлари бўйича бўшаб қолган бюджет маблағлари мавжуд бўлмаган ёки бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларға ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлиқ таъминлаш учун етарли бўлмаган ҳолларда, бюджет маблағлари қўшимча равишда мазкур Низомда белгиланган тартибда бюджетдан ажратилади.

10. Бюджет ташкилотларидан олинган буюртманомалар асосида тегиш-

ли молия органлари жамланган буюртманомаларни мазкур Низомнинг 3-илова-сига мувофиқ шакл бўйича тузади ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 12-санасига қадар юқори турувчи молия органига тақдим қилади.

11. Юқори турувчи молия органлари бюджет ташкилотлари ва қўйи турувчи молия органларидан олинган буюртманомаларни текширадилар ва текшириш натижалари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар жамланган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилиш учун тайёрлайдилар.

12. Молия органларига белгиланган муддатдан кечикиб тақдим қилинган буюртманомалар молия органлари томонидан ҳисобот оyi буюртманомасига қўшилмайди, балки кейинги ойнинг буюртманомасига қўшилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар олинган буюртманомалар асосида жамлашни амалга оширади ва қонунчиликда белгиланган тартибда уч кун муддат ичида:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети харажатлар ёйилмасига;

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлар параметрига тегишли ўзгартиришларни киритади.

14. Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тўланишини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш қонунчилиқка мувофиқ амалга оширилади.

III. Фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани молиялаштириш тартиби

15. Ҳар ой, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечикмаган ҳолда Жамғарма фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш учун талаб қилинадиган маблағларни аниқлайди ва Жамғарма шахсий ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини ҳисобга олган ҳолда 13-сон шаклдаги тайинлаш сертификатини (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларига (рўйхат рақами 1111, 2002 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 5-сон) 6-илова) тайёрлайди.

Тайинлаш сертификатига Ҳазначилик бўлинмаларида очилган ҳар бир шахсий ҳисобварақлар кесимида харажатлар ёйилмасини илова қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармасига келишиш учун тақдим қилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармаси тайинлаш сертификатини кўриб

чиқади ва кўриб чиқиш натижаси бўйича келишилади. Тайинлаш сертификати келишиш кўрсатилган харажатларни молиялаштириш учун режали бюджет ажратмаларининг мавжудлиги ва асосланганлиги бўйича амалга оширилади.

17. Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармаси билан келишилган тайинлаш сертификати молиялаштиришни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармасига тақдим қилинади.

18. Ҳазна ҳисобварағига маблағлар ўтказиб берилгандан кейин Ҳазначилик бўлинмаларида очилган ҳар бир шахсий ҳисобварақлар кесимида юқорида кўрсатилган харажатларни тўлаш учун харажатларнинг ёйилмаси Ҳазначиликка берилади.

19. Туман (шаҳар) Жамғарма бўлимлари юқорида кўрсатилган харажатларни тўлаш бўйича маблағларни уларни олувчилар ишлайдиган ташкилотлар, шунингдек, почта алоқаси миллий операторининг бўлинмалари ва тижорат банклари филиаллари ҳисоб рақамларига молиялаштиришни амалга оширади.

20. Агар йил мобайнида юқорида кўрсатилган тўлов ва нафақа олувчилар миқдорининг ўзгариши харажатлар сметасида кўзда тутилган харажатларнинг ошишига (камайишига) олиб келса, Жамғарма белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш учун олувчиларнинг ўзгарган миқдорига зарур бўлган маблағларнинг асосланган ҳисоб-китобларини тақдим қилади.

Харажатларни камайишига олиб келадиган харажатлар сметасига киритиладиган ўзгартиришлар, белгиланган тартибда Ҳазначилик бўлинмалари билан келишилади.

21. Харажатлар сметаси олувчилар миқдори тўғрисидаги маълумотни илова қилган ҳолда тегишли туман (шаҳар) Жамғарма бўлимларининг бош ҳисобчилари ва раҳбарлари томонидан имзоланади.

Ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳар бир туман (шаҳар) бўйича нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар сметаси Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари орқали Жамғармага умумлаштириш ва республика бўйича жамланган харажатлар сметасини тузиш учун тақдим қилинади. Жамғарма тегишли текширишлар ва умумлаштиришлардан сўнг Ўзбекистон Республикаси бўйича туман ва шаҳарларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари нусхаларини илова қилган ҳолда жамланган харажатлар сметасини мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича тузади ва тасдиқлайди ҳамда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармасига тақдим қилади.

Жамғарма Ўзбекистон Республикасининг барча туманлари ва шаҳарлари бўйича тасдиқланган сметалари нусхаларини илова қилган ҳолда, жамланган харажатлар сметасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигига тақдим қилади.

IV. Ҳисоб ва ҳисобот

22. Юқорида келтирилган харажатларни тўлаш учун республика бюджетидан молиялаштирилиб берилган маблағлар республика бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар таснифининг тегишли бўлим, боб, параграф ва харажат моддалари бўйича касса ва ҳақиқий харажат сифатида акс эттирилади.

Жамғарманинг тегишли ҳисобварақларига тушган маблағлар Жамғарма бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботда Жамғарма даромади сифатида акс эттирилади.

Жамғарманинг тегишли ҳисобварақларидан ҳисобот даври мобайнида ўтказилган маблағлар суммаси Жамғарма касса харажатлари ҳисобланади.

23. Жамғарма ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги билан келишилган фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани ҳисобланиши ва тўланиши ҳақидаги ҳисоботни ойлар ва туман (шаҳар)лар кесимида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилади.

V. Назорат ва жавобгарлик

24. Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлашга ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш Бош бошқармаси томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

26. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан келишилган.

*Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармаси
ижрочи директори в.б.*

Ш. МАНСУРОВ

2010 йил 5 февраль

Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

_____ да _____ йилда рўйхатдан ўтказилган «__» _____ йилдаги _____-сон рўйхатдан ўтказиш карточкаси _____ _____ (имзо) _____ (имзо)

_____ минг сўм миқдоридан тасдиқланган.

 (сумма ёзув билан)

Бюджет маблағларини бош тақсимловчи _____
 (имзо)

«__» _____ йил

_____ йилга ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

_____ туман (шаҳар) бўйича Жамғарма бўлими
 Тўлиқ манзил _____
 Шахсий (умумий) _____
 Бюджет _____
 Бўлим _____
 Боб _____
 Параграф _____
 Ўлчов бирлиги минг сўм.

Моддалар номи	Харажат тури	Объект	Кичик объект	_____ йил		ташкilot томонидан ҳисобланган	_____ йил															
				киритилган ўзгаришларнинг ҳисоби билан тасдиқланган	_____ га бажарилган (ҳақиқатда сарфланган)		ҳаммаси	тасдиқланган														
								шу жумладан ойлар бўйича														
Жами:																						

Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлими раҳбари _____
 (имзо)

Ҳисобчи _____
 (имзо)

М. ў. _____ й.
 «__» _____

Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига конун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомга

2-ИЛОВА

Бюджет ташкилотининг штампи

_____ га
(молия органининг номи)
_____ бўйича
(ташкилотининг тўлиқ номи)

**Тегишли молия органининг
штампи ёки белгиси**

Бўлим _____
Боб _____
Параграф _____

Олинди _____
(буюртманома олган молия органи ходимининг имзоси)

Ишловчиларнинг рўйхат бўйича ўртача сони, _____
Шу жумладан, аёллар: _____

**20__ йил _____ учун бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга
ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлашга бюджетдан талаб
қилинадиган маблағларни аниқлашга
БҮЮРТМАНОМА**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани олувчилар сони	Ҳақиқий харажатлар, сўмда
1	2	3	4
1.	Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа — ҳаммаси		
	шу жумладан:		
1.1	бюджет ташкилотининг харажатлар сметаси бўйича тежаб қолинган маблағлар ҳисобидан қопладиган қисми	x	
1.2	қўшимча талаб қилинадиган (етмайдиган) бюджет маблағлари	x	

Ташкилот раҳбари

_____ (имзо)

М.Ў.

Бош ҳисобчи

_____ (имзо)

Ижтимоий суғурта бўйича
комиссия раиси
(вакил қилинган)

_____ (имзо)

ОРҚА ТОМОНИ

Бюджет маблағларидан бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани олиш учун бюджет ташкилоти ходимларининг РЕЕСТРИ

20__ йил _____ учун

Т/р	Ф.И.Ш.	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи рақами*	Ҳужжатнинг номи**	Ҳужжатнинг серияси ва рақами	Ҳужжат берилган сана	Ким томонидан берилган	Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даври	Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари	Нафақани ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи (сўмда)	Тўлов суммаси (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
	Ҳаммаси	x	x	x	x	x	x	x	x	

Изоҳ:

* Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи рақамини кўрсатиши мажбурий ҳисобланади.

** Ҳужжат номи (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси).

Ташкилот раҳбари

М.Ў.

_____ (ИМЗО)

Бош ҳисобчи

_____ (ИМЗО)

Ижтимоий суғурта бўйича

комиссия раиси

(вакил қилинган)

_____ (ИМЗО)

Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

**20__ йил _____ учун _____ вилоят, туман (шаҳар)
бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани
тўлаш учун маблағларни аниқлашга юқори турувчи молия органига
ЖАМЛАНМА БУЮРТМАНОМА***

Т/р	Бўлим	Боб	Параграф	Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани олувчилар миқдори	Ҳақиқий харажатлар, сўмда	шу жумладан:	
						бюджет ташкилотининг харажатлар сметаси бўйича тежаб қолинган маблағлар ҳисобидан қопланадиган қисми	қўшимча талаб қилинадиган (етмайдиган) бюджет маблағлари
1	2	3	4	5	6	7	8
1.							
2.							
...							
	Жами						

* Ҳар ой, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 12-санасигача тақдим қилинади.

Молия органи раҳбари

_____ (имзо)

М.Ў.

Молия органининг бюджет бўлими бошлиғи

_____ (имзо)

Жамланма буюртманомани тузувчи масъул ходим

_____ (имзо)

Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

_____ да
 _____ йилда рўйхатдан ўтказилган
 «__» _____ йилдаги
 _____-сон рўйхатдан ўтказиш
 карточкаси _____

 (имзо)

 (имзо)

_____ минг сўм миқдоридан тасдиқланган.

 (сумма ёзув билан)

Бюджет маблағларини бош тақсимловчи _____
 (имзо)

«__» _____ йил

_____ йилга ЖАМЛАНМА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари
 Пенсия жамғармаси

Тўлиқ манзил _____
 Шахсий (умумий) _____
 Бюджет _____
 Бўлим _____
 Боб _____
 Параграф _____

Ўлчов бирлиги минг сўм.

Моддалар номи	Харажат тури	Объект	Кичик объект	йил		ташкilot томонидан ҳисобланган	йил															
				киритилган ўзгартиришларнинг ҳисоби билан тасдиқланган	_____ га бажарилган (ҳақиқатда сарфланган)		ташкilot томонидан ҳисобланган	тасдиқланган														
								ҳаммаси	шу жумладан ойлар бўйича													
Жами:																						

Ҳисобчи _____

 (имзо)

М. Ў. _____ й.
 «__» _____

Жамланма харажатлар сметасига
ИЛОВА

минг сўм

Худудлар номи	йил		Йилга тасдиқланган															
	киритилган ўзгаришларнинг ҳисоби билан тасдиқланган	га бажарилган (ҳақиқатда сарфланган)	ҳаммаси	шу жумладан ойлар бўйича														
																...		

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ҳузуридаги бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармаси ижрочи директори _____
(имзо)

Ҳисобчи _____
(имзо)

М.Ў. «__» _____ й.